

Ўзбекистон – Сингапур: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Шавкат
Мирзиёевнинг
таклифига
биноан Сингапур
Республикаси
Президенти
Ҳалима Якуб
23 май куни давлат
ташрифи билан
мамлакатимизга
келди.



Ташрифнинг асосий тadbирлари 24 май куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Сингапур раҳбарини расмий кутиб олиш маросими ташкил этилди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Президент Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шоҳсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

«Кўксарой» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Якубнинг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Якуб ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Хусусан, ташриф давомида куйидаги ҳужжатлар имзоланди:

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Сингапур Республикаси Ҳукумати ўртасида 2023-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Сингапур Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Сингапур Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

– Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ва Сингапур Республикаси Савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Сингапур туризм бошқармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ва Сингапур туризм агентликлари миллий ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Сингапур ҳамкорлик агентлиги ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш, «яшил» иқтисодиёт соҳасидаги қўшма фаолият тўғрисида ҳамкорлик битими;

– Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ва Сингапур Республикаси Бизнес федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Ўзбекистон – Сингапур саммити якунида «Кўксарой» қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ҳалима Якуб Фахрий меҳмонлар хиббонида арча экдилар.

Бу давлатлараро муносабатларда янги давр бошлангани Ўзбекистон ва Сингапур халқлари дўстлиги мустаҳкамлашиб бораётганининг рамзи бўлди.

Манба: president.uz



Наманган
вилояти

Дўстона алоқалар

ҚИРҒИЗИСТОНЛИК КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ НАМАНГАНДА

Ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг бир гуруҳ вакиллари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Қирғизистон Республикасининг Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жалолобод вилояти кенгашида бўлишган эди.



Ташриф чоғида иш жойларида муносиб меҳнат шaroитлари яратилганини ўрганиш, иш бeрyвчилар билан ижтимоий муносабатларни шакллантириш борасида икки томонлама Келишув имзоланган. Шунга мувофиқ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жалолобод вилояти кенгаши ҳамда унинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари Наманганга ташриф буюришди.

Ташрифнинг биринчи куни меҳмонларга вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари кенгашининг масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари кенгаши раислари ҳамда касаба уюшмалари Республика кенгашининг масъул ташкилотчилари билан ўзаро таништирув мулоқоти ўтказилди.

Сўнгра касаба уюшмалари аъзоларини сиҳаттоҳларда дам олдириш, уларга яратилган шароит, даволаш-профилактика ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида «Чортоқ» санаторийси фаолияти алоҳида ўрганилди. Шундан сўнг, меҳмонлар тумандаги Султон Увайс Қараний зияратгоҳига олиб борилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Қирғиз делегацияси вакиллари Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши фаолияти билан яқиндан таништирилди. Касаба уюшмаларига қарашли Марказий Осиёда ягона «Океан» ёпиқ сув ҳавзаси кўздан кечирилди. Меҳмонлар Давлатобод туманидаги Президент мактабида ҳам бўлиб, у ерда фаолият юритаётган устозларга яратилган шароитларга юқори баҳо бeришди.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА МУНОСИБ МЕҲНАТ ЙЎЛЛАРИ

Пойтахтимизда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда гендер тенглик ва муносиб меҳнат йўллари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбаева, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси директори Ольга Кулаева, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлардан соҳа мутахассислари, экспертлар, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида халқаро стандартлар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда соҳага оид 40 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари ва муҳим концептуал ҳужжатлар қабул қилинган.

Халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизда меҳнат муносабатлари тизими тубдан ислоҳ қилингани ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, муносиб меҳнат принциплари доирасида аҳолининг бандлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани юқори баҳоланди.

Тadbир якунлари бўйича халқаро конференция иштирокчиларининг гендер тенгликни таъминлаш, муносиб меҳнат принципларини кенг татбиқ этиш бўйича тавсиялари ишлаб чиқилди.

Гүлнoз ФАХРИДДИНОВА



Фаргона вилояти

«Аёллар дафтари»ни
варақлаганда

Ферузанинг орзуси ушалди

Феруза Тўғонова болаликдан иккинчи гуруҳ ногирони. Шундай бўлса-да, ҳаётдан нолиб, бировнинг қўлига қараб ўтиришни ўзига эп билмайди. Тиниб-тинчимайди – доим ҳаракатда.

«Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида эҳтиёжманд, деб топилган Ўзбекистон туманидаги 24 нафар хотин-қизга субсидия асосида тикув машинаси топширилди. Улар орасида Феруза ҳам бор. – Тикиш-бичишга қизиқишим баланд, – дейди Ф.Тўғонова. – Болалар кийимларини мустақил тика оламан. Лекин бунга имконим йўқ эди. Рўйхатга олинган, тикувчилик бўйича икки ойлик курсни тамомладим. Шундан сўнг менга ўзим орзу қилган замонавий тикув машинаси совға қилишди. Ана энди бемалол уйда ўтириб, ўзим еқтирган касб билан шуғулланаман.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Шунингдек, тумандаги 23-сонли умумтаълим мактабида «Оила – кичик Ватан» мавзусида расмлар танлови, 16-сонли мактабда «Оила – инсон учун муқаддас ва улуг даргоҳ» мавзусида иншоолар танлови ўтказилди.

Оҳангарон туманидаги 8-сонли давлат мактабгача таълим муассасида эса «Соғлом оила» шиори остида спорт тадбири ташкил этилиб, фаоллар рағбатлантирилди. Тадбирлар асносида иштирокчиларга Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаларининг эътибори билан совғалари топширилди.

Халида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг Тошкент вилоятидаги ташкилотлари томонидан жамиятда оиланинг ўрнини мустақамлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жамиятнинг мустаҳкам таянчи

Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманидаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида «Оила муқаддас» шиори остида маънавий-маърифий учрашув ташкил этилди. Унда ҳудуддаги намунали оилалар вакиллари билан суҳбатлар уюштирилди.

Шунингдек, тумандаги 23-сонли умумтаълим мактабида «Оила – кичик Ватан» мавзусида расмлар танлови, 16-сонли мактабда «Оила – инсон учун муқаддас ва улуг даргоҳ» мавзусида иншоолар танлови ўтказилди.

Оҳангарон туманидаги 8-сонли давлат мактабгача таълим муассасида эса «Соғлом оила» шиори остида спорт тадбири ташкил этилиб, фаоллар рағбатлантирилди. Тадбирлар асносида иштирокчиларга Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаларининг эътибори билан совғалари топширилди.

Халида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти



Чироқчи тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси касба уюшма қўмитаси 45 нафар ходимни қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат учун жўнатди.

Ички туризм


Касаба уюшмасига раҳмат!

Ер юзининг сайқали дея таърифланадиган шаҳардаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни томоша қилиб, ишчи-ходимларнинг руҳияти тетиклашди. Аждодларимизнинг ўлмас мероси уларга олам-олам таассурот улашди.

Шунингдек, саёҳат чоғида мустақиллик йилларида барпо этилган бир қатор эътибор сазовор жойларга, мафтункор масканларга саёҳат қилинди.

– Касаба уюшмасига раҳмат, – дейди ишчи Зокир Норбоев. – Уларнинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрини айланиб, буюк болаларимиз қабрини зиёрат этдик. «Инсон қадри учун», деган ғоя амалиётда ўз тасдиғини топаётганини ҳис этдик.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Ҳуқуқ



Нотўғри ҳисобланган маош

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари қандай таъминланаётгани ўрганилди.

Жараёнда жарроҳлик бўлими ҳамшираси Ё.Қаландарованинг 2018 йил 13 сентябрдан 2023 январгача бўлган даврдаги ойлик маоши нотўғри тўлангани аниқланди.

Ходимга ойлик маоши тўланишида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сонли қарорининг 9-банди талаблари бузилган. Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 3-бўлимига кўра, операция ҳамшираси лавозимида ишловчи тоифасиз ҳамширага иш ҳақи 3-разрядда тўланиши керак.

Аниқланган ҳолат юзасидан иш бевучига тегишли кўрсатма берилди. Унга асосан Ё.Қаландаровага 2018 йил 13 сентябрдан 2023 январгача ишлаган даврлари учун жами 3 574 167 сўм ўртадаги нотўғри тўланган фарқ қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ойлик маошига қўшиб берилди.

Халиулло ИСОҚЖОНОВ,
Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Хоразм вилояти бўйича меҳнат
инспекторлари



Тошкент шаҳри

Қонунчиликдаги ўзгаришлардан қанчалик хабардорсиз?

Мирзо Улўғбек туманидаги 120-сонли умумтаълим мактабида соҳа ходимлари учун янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳамда янги Конституциядаги ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан анжуман ташкил этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Нодира Гойибназарова, Тошкент юридик университети ўқитувчиси Муҳаммадамин Каримжонов иштирок этган тадбирда қонунчи-

ликдаги ўзгаришлар борасида батафсил тушунтиришлар берилди.

Хусусан, касба уюшмаларининг мақсад ва вазифалари, меҳнатга тўланаётган иш ҳақи, аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнат,


санитар-гигиеник нормалар борасидаги фикрларни иштирокчилар зўр қизиқиш билан тинглашди. Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга батафсил жавоб олишди.

К.НАЗИРОВА,
Мирзо Улўғбек туманидаги
57-сонли давлат мактабгача
таълим ташкилоти
тарбиячиси

Тадбир



Сурхондарё вилояти



Бунёдкорлик

Дунё эътиборидаги «САНГАРДАК»

Денов ва Сарисий туманлари чегарасидаги «Наврўздара» ҳудудидан хорижий ва маҳаллий сайёҳлар эътибори ва эътирофида бўлган, ўзининг ажиб баҳаво табиати, катта шаҳарлардан қолишмайдиган инфратузилмаси, пурвиқор тоғлари билан Сурхон воҳасининг экотуризм йўналишидаги ташриф қоғозига айланган Сангардак тоғёнбағирлари бошланади. Ана шу манзилда Президентимиз ташаббуси билан «Сангардак» сийҳатгоҳи қурилиши бошланганига кўп вақт бўлмади. Айни пайтда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан қурилаётган, умумий қиймати 110 миллиард сўм бўлган 7 қаватли 200 ўринли сийҳатгоҳда қурилиш ишлари қизғин кетаяпти.

– Жаҳондаги энг кўркам бинолардан қолишмайдиган бундай иншоотни «Сангардак» тоғи чўққисига қурилади, деб ким ўйлабди дейсиз? Ҳар сафар бу ерга келганимда, юрагим қувончдан ҳалқираб кетади. Президентимизнинг халқимизга, хусусан, Сурхон воҳаси аҳолисига бўлган чексиз муҳаббатини ҳис қиламан, – дейди Касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. – Бунёдкорлик ишларида хорижда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги кудратли техникалар ишлатилаяпти. Аксарияти бир ва икки кишилик бўлган хоналар сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланади.

Кейинги 4-5 йилда вилоятда «Термиз марвариди», «Хўжаипок» сийҳатгоҳлари, «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари янгидан қурилган бўлса, «Хонжиза», «Бешбулоқ – Сурхон – Шеробод» оромгоҳлари қайта реконструкция қилинди. «Сангардак» сийҳатгоҳида эса қурилиш ишлари давом этмоқда. 200 ўринли ошхона, даволаш биноси ҳамда усти ёпиқ бассейнлар ҳам қуриляпти.

Масканда меҳнаткашлар дам олиб, соғлиқларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилади. Жисмоний



тарбия машғулоти учун баскетбол, футбол, волейбол майдонлари, стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун жойлар ажратилган. Кутубхона турли адабиётлар билан бойитилади. Насиб этса, энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 32 йиллик тўйи арафасида «Сангардак» сийҳатгоҳи тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Рустам ДАВЛАТОВ
«ISHONCH»

Илмли аёллар жамият марваридларидир

Мулоқот



– Аёлларнинг, айниқса, оналарнинг ёшлар тарбиясидаги мавқеи хусусида қандай фикрдасиз?

– Бу мавзуга доир тарихий далиллар сизу биз учун ўзига хос мактаб ва бетакрор ибрат вазифасини ўтайди. Эътибор берган бўлсангиз, буюк алломалардан аксариятининг оналари диний-дунёвий илмларни пухта эгаллаганлар. Талай китобларга болаларига узлуксиз ўқитиб, уларнинг дунёқарашини бойитганлар. Натижада зурриётлари умри давомида олган илм ва тарбиянинг асосий қисмига 7-8 ёшига қадар ўз оилаларида эга бўлганлар.

Шунинг учун теурийдлар даврида ҳам бўлажак шаҳодалар таълим-тарбиясига, жисмонан ва маънан чинқишларига жиддий эътибор қаратилган. Улар туғилиши биланоқ энагаларга топширилган. Улғайгач, барчаси жангларида ва давлат бошқаруви ишларида фаол бўлишган. Ҳатто 40 минг нафаргача лашкардан иборат қўшинини ҳам моҳирона бошқара олишган.

Ўтмишда яшаб ўтган зукко аёллар ҳар қанча имкониятга эга бўлишларига қарамай, моддий бойликлар ортдан қувмаганлар. Бу борада кўпчиликка ибрат бўлган оналардан бири Хоразм амири Қутлудумурнинг аёли Тўрабека хотундир. Бир кун у араб сайёҳи Ибн Батутта шарафига ўзи қурдирган саройда зиёфат уюштиради. Зиёфатдан сўнг ташқарига чиқаётган олимга одмигина кийинган бир аёл салом беради. Сайёҳ унга унчалик эътибор қилмаган ҳолда алик олади. Шунда бу воқеани кузатиб турган мулозим меҳмоннинг қулугига шивирлаб, салом берган аёл Тўрабека хотун эканини айтади. Ибн Батутта ўзининг лоқайдлигидан қаттиқ хижолат чекиб қолади.

– Ўтмишда айна йўналишдаги эзгу амаллари билан эл эътиборини қозонган бошқа маликалар ҳақида ҳам бирор тўхталиб ўтсангиз...

– Тараққиёт бешигини тебратган, ҳатто салтанати бошқаришда қатнашган ақл-заковатли маликалар кўп бўлган. Амир Теурунинг онаси Такина Хотун, опаси Қутлуғ Туркон ого, қизи Тағойшоҳ

ого бегим, турмуш ўртоғи Ўлжой Туркон ого, Сароймулкхоним, Туман ого, келини Хонзодабегим номи билан машҳур бўлган Севинбека, Гавҳаршодбегим, Милкат ого ва бошқа маликалар ҳам доимо маблагларини хайрли ишларга сарфлаганлар. Улар мадраса, масжид, шифохоналар қуришга иштиёқманд бўлганлар.

Сароймулкхоним Амир Теуру юришда бўлган пайтлар бутун салтанатни бошқарган. Халил султон ва Мирзо Улуғбекни тарбиялаган. Шаҳзодаларни энагалар қатори мунтазам равишда назорат қилиб турган. Уларнинг таълим олишига, ақлий, жисмоний салоҳияти юксалишига алоҳида эътибор қаратган.

Бибиқоним ўз ҳисобидан Самарқандда 1000 нафар талаба таълим оладиган мадрасаи олия қурдирди. Гавҳаршодбегим меъморий мажмуаси Шарқ дунёсининг энг муҳташам тарихий обидаларидан биридир. Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко бу аёл Хиротда ҳамда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бунёдкорлик ишларини олиб боради. Эл-юрт равнақи йўлида тиммай ғамхўрлик қилади. Унинг дастурида маданий-маърифий ишлар биринчи ўринда турган. Шунданми, фарзандлари ва барча набиралари илм-фан вакиллариغا айланган, ғазаллар ҳам битишган.

– Бугунги аёлларимиз орасида ҳам юқорида номлари тилга олинган маликаларга ўхшаганлари кўпми?

– Афсуски, бу саволингизга баралла «Ҳа!» деб жавоб беролмайман. Чунки сизу бизга замондош ота-оналарнинг аксарияти фарзандлари айтганини муҳайё қилади-ю, негадир уларни одоб-ахлоқи ва меҳнаткаш бўлишга, китоб ўқиш ва билим олишга астойдил ўргатмайди. Боз устига, ҳозирги глобаллашув дунёсида, ахборот хуружлари, оммавий маданият, ахлоқсизлик оддий ҳолга айланиб бораётган ва ижтимоий тармоқлар туфайли миллий қадриятларга пугур етаётган бўҳронлар даврида болаларга таълим-тарбия бериш ота-оналарга ҳам, устоз-мураббийларга ҳам осон эмас. Ана шунинг оқибатида баъзи ёшлар турли ҳуқуқбузарликларга, ҳатто жиноятга ҳам қўл уришмоқда. Бундан ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам азият чекишмоқда.

Эндилкида ижтимоий тармоқлар кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолгани ва гоҳида хунук оқибатларни келтириб чиқараётгани ҳам бор гап. Айрим давлатларда ёшлар тарбиясини зимдан бузишга қаратилган ўн мингдан ортиқ сайтлар фаолият юритади. Улар орқали қилчбозлик, пичоқлашиш, қотиллик, турли-туман фалокатларга доир ваҳимали хабарлар ва даҳшатли видеоларлар намойиш этилади. Шунингдек, ҳиссиётларни жўш урдириб, фикрни чалғи-

тувчи, виждонни шайтонга сотиш билан боғлиқ ўйинларга ҳам кенг ўрин берилади. Уларнинг домига илинган болалар асосатда қолади. Бу эса оилаларга ҳам, жамиятга ҳам катта зарар келтиради.

Ҳолбуки, қалб уйғоқлиги ҳар нарсадан устун ҳисобланади. Бунинг учун ёшларни тартиб-интизомга, яхши-ёмонни фарқлай олишга ўргатиш, ҳатти-ҳаракатларини доимий назорат қилиб бориш, вақтини тўғри тақсимлаб, хатосини иссиғида тушунтириш лозим. Ҳозирги ёшларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда огоҳлик, ҳушёрлик ва масъулиятни ҳис этишдан ташқари, улар билан муттасил ишлаш, фойдали билим олишга, 2-3 та тилини ўрганишга ва касб-ҳунар эгаллашга ундаш, мурғаклигиданоқ китоб мутолаасига қизиқтириш, қадимда яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз ва табарруқ момоларимизнинг ҳаёти, илмий-ижодий ва сиёсий фаолияти билан таништириб бориш, меҳнатга лаёқатларини шакллантириш барчамизнинг муҳим вазифаларимиз саналади. Бунда, албатта, меҳрибон-мушфиқ онахонларимиз ва опа-сингилларимизнинг заҳматлари муҳим аҳамият касб этади.

– Бола парвариши билан машғул она фарзандларига ҳар томонлама ўрнатқ бўлиши учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиши лозим?

– Аввало, у одоб-ахлоқи, имкон қадар билимдон ва китобсевар бўлиши зарур. Таассуфки, охири пайтларда биз моддиончиликка берилиб, азалий қадриятларимизни ва халқимизга хос маънавиятни бирмунча унутдик. Ҳозир орамизда шундай аёллар борки, улар бойликка, ортиқча дабдаба ва ҳашаматга беҳад ружу қўйишган. Айримлари гап-гаштакларга, саёҳатларга ва чет элларга боришни хуш кўришади, ўзлари ёки турмуш ўртоғи минг бир машаққат билан топган пулни ўткинчи ҳою ҳавасларга беҳуда сарфлашади. Асосий эътиборни яхши кийинишга, ўзларига оро беришга қаратишади. Бундай оналарнинг юриш-туришлари, фель-авторлари, ҳавойи орзу-ниятлари, албатта, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, улар ҳам энгил-елли ҳаёт кечиршига одатланишади.

Яна бир ачинарли ҳолат. Кейинги вақтларда бир гала артистлару қўшиқчилар кўпчилик ёшларнинг «қумир»ларига айланиб қолди. Бу ўғил-қизлар уларни Интернет тармоқлари орқали узлуксиз кузатиб борадилар, куйлаган қўшиқлари ёки яратган образларига эмас, қанақа уйда яшашига, қандай машина миннисию, қанақа либослар кийишига, турмуш тарзига кўпроқ қизиқадилар. Лекин ўша хонандо актёрларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор деган номга ҳақиқатан ҳам лойиқми, маданиятимиз ривожига, озгина бўлса-да, ҳисса қўша оладими-йўқми, масаланинг бу жиҳати билан мутлақо ишлари бўлмайди.



Аслида эса, навқирон йигит-қизларимиз уларга эмас, зиёли аёлларга ҳавас қилишса, уларнинг изидан боришса, жамият ривожланади, юрт янада гуллаб-яшнайдми. Илм-маърифат ва одоб-ахлоқ устувор бўлмаган жойда эса тараққиёт бўлмайди.

– Илм инсонга нима учун керак?

– Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор. Шу боис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Илмини Чинда (Хитойда) бўлса ҳам ўрзининглар», деб уқтирганлар. Маърифатпарвар жадидчи бобомиз Абдулла Авлоний эса «Қизлар ҳаммадан кўра билим олишга интилиши керак, чунки бу билим билан келажак авлодни тарбиялайди», деган эди.

Дарвоқе, илм ҳар қандай жамиятда ва ҳар доим керак. Таъбир жоиз бўлса, у нажот манбаидир. Билимли аёллар эса, жамият марваридларидир. Муҳими, улар фарзандларини ҳам илми қилдилар, китоб ўқишга даъват этиб, маърифатга йўналтирадилар. Ақлли ва зукко аёл бор оила даврасида ибратли ҳикоялар айтади, асарлар таҳлил қилинади, болаларга ҳаётий сабоқлар, жўяли маслаҳатлар берилади.

Кези келганда, яна бир қўшимча. Ровийларнинг ҳикоя қилишларича, улуғ ўзбек мутафаккири, Ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири Абу Райҳон Бериуний жон бераётганида олдиға кимдир кириб келади. Шунда аллома ундан бир масала ечимини сўрайди. Шогирди қўзларида ёш билан сўнгги нафасини олаётган бобокалонимиздан ортиқча жон койитмаслигини илтимос қилади. У эса «Билмаганимни билиб кетганим яхши», дея жавоб беради.

Зеро, илм битмас-туганмас хазинадир. Инсон уни умр бўйи узлуксиз ўрганган тақдирдагина ҳаётда ўз ўрнини топади, эларо обрў-эътибор қозонади. Модомики шундай экан, илмға чинакамига ошно тутинган аёл-қизлар ҳам келажакда катта оlima бўлиб етишишлари мумкин. Бунинг учун улар, аввало, мустақкам фуқаролик позициясида турадиган, ўз ақл-заковатлари ила яхши-ёмонни ажрата оладиган, турли хавфлардан узоқлашадиган ва бошқаларни ҳам огоҳлантирадиган, ҳаётда рўй бераётган воқеалару ўзгаришларга манتيқий ва танқидий нуқтаи назардан одилона ёндашадиган, ўз ватанини севадиган ва у билан ғурурландиган қомила инсонлар бўлишлари даркор.

Гулруҳбегим ОДАШБОЕВА сўхбатлашди

Гарчи бу ҳақда хавотирли гап-сўзлар юрган бўлса-да, ҳозирча АҚШ доллари давлатлараро савдо-сотикда ўз қийматини сақлаб қолмоқда. Айна вақтда халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг қарийб 60 фоизи АҚШ долларида амалга ошириляётгани бунинг аққол исботидир.

Дастлаб, доллар муомалага киритилганда, АҚШ ҳукумати унинг қийматини олтинга боғлаган эди. 1792 йилда олтиннинг бир унцияси 19,3 доллар деб белгиланган. 1834 йилда АҚШнинг олтин захираси етарли бўлмагани туфайли унция баҳоси 20,67 долларга кўтарилган. Бу қиймат асрлар давомида ўзгариб бурса-да, долларнинг олтин билан баҳоланиши ва боғликлиги сақланиб қолаверган.

АҚШ доллари 1944 йилдаги Бреттон-Вудс битимида кейин халқаро валюта сифатида тан олинди ва кейинчалик дунёдаги энг устун валютага айланди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб, олтин нархи анча кўтарилиб кетди. 1971 йилда президент Ричард Никсон долларнинг олтин билан боғлиқлигига чек қўйди. Бу хабар расман 1976 йилдагина эълон қилинди. Уша пайтда кўпчилик тахлилчилар долларнинг ҳукмронлигига чек қўйилади, олтинга алмаштирилмайдиган валюта ўз қадрини йўқотади деган тахминлар билдиришади. Лекин ўтган давр бу прогнозлар хатолигини исботлади.

Айна кунларда кўплаб мамлакатлар, айниқса, россияпараст давлатлар ўзаро тўловларда доллардан воз кечишга ўтишмоқда. Ҳатто ШХТ доирасида ҳам бу бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқишга келишувлар бўлди.

Ҳўш, нега тўсатдан яна доллар синиши ҳақида гап-сўзлар янграб қолди? Аввал шу саволга жавоб излаб кўрсак.

Гап шундаки, 2022 йилнинг февраль ойида Россия Украинада махсус операцияни бошлаганидан сўнг АҚШ бошчилигидаги Фарб давлатлари Россиянинг доллар ва еврода сақланаётган 300 миллиардлик активларини ноқонуний музлатиб қўйишган эди. Ундан ташқари, АҚШ ва ЕИ давлатлари Россия банкларига нисбатан валюта операциялари ўтказиш, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланиш бўйича мисли кўрилмаган санкциялар киритди. Оқибатда дунё мамлакатла-

«ДОЛЛАР СИНАРМИШ...»

бу ҳақдаги миш-мишлар ҳақиқатга қанчалик мос?

рининг доллардан фойдаланишдан воз кечиш жараёни тезлашди.

Хусусан, Россия ўз нефти ва газини нодўст мамлакатларга фақат рублда сотишини эълон қилди. Дунёнинг бошқа давлатлари эса уларнинг ҳам валюта захиралари сиёсий сабаблар туфайли хавф остида қолиши мумкинлигини англаб етишди. Россиянинг йирик ҳамкорлари ҳисобланган Хиндистон, Хитой, МДҲ ва БРИКС давлатлари ўзаро савдо-сотикда миллий валюталардан фойдаланишга ўтишни бошлади. Кейинчалик ушбу тенденцияга қатор Африка давлатлари ҳам қўшилди. Энг йирик нефть сотувчиси бўлган Саудия Арабистони эса ўз нефтини нафақат долларга, балки бошқа валюталарга ҳам сота бошлади.

Яқинда Самарқандда Ўзбекистон, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Козогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ҳамда МДҲ раҳбарияти делегациялари иштирокида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу тadbирда иштирок этган Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров шундай деди:

– Доллардан қочиш бошланмоқда, бу ҳозирча унчалик тез эмас, лекин албатта тезлашади. рикаликлар ўзлари узоқ вақт давомида долларнинг устувор ролидан фойдаланиб, халқаро молия ва жаҳон иқтисодини бошқариб ўтирган шохга болта уришди. Ҳўп, борди-ю, доллар синиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўз тасдиғини топса, бизга бу қандай таъсир кўрсатади?

Мамаризо НУРМУРАТОВ, Марказий банк раиси:

– Энг аввало, шу нарсани қайд эътишимиз керакки, ташқи савдо алоқаларида товар ёки маҳсулотни ким сотиб олаётган бўлса, экспорт қилаётган давлатнинг талаб ва истемига қараб, тўлов валютасини белгилайди.

Россиядаги бугунги ҳолат, яъни у ерда долларда савдо-сотик қилишга қўйилган тақиқ ўз-ўзидан бу давлатдан импорт қилинаётган товарлар учун рубль билан ҳисоб-китоб қилиш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда. Демак, ташқи иқтисодий савдо-сотикда Россиядан сотиб олинаётган ҳар қандай маҳсулот рубль билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу бўйича ҳозирча ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки бу борада тегишли шарт-шароит яратганмиз.

Нега рублга ўтиш керак деганда, бир нарсани тўғри тушуниш лозим. Ўзаро савдо айланмасида давлатнинг ўз миллий валютасидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик икки давлат марказий банклари орасидаги келишувлар асосида амалга ошади.

Лекин субъектлар ўртасидаги алоқалар бевосита тadbиркорлар хоҳлаган валютада амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун тегишли валюта айирбўлаш механизми яратилган. Содда тилда айтганда, бугунги кунда Россиядан импорт қилинаётган товар ёки маҳсулотнинг 86 фоизга яқинини рублда оламиз. Шу ўринда изоҳ бериб кетишни хоҳлардим: тadbиркор рублнинг ички бозордан сотиб олиб, етказиб бермайди. Буни банк таъминлайди. Ўз навбатида, биздан импорт қилинадиган товарларга хорижий давлатлар сўмда ҳисоб-китоб қилиши учун шарт-шароит яратилган.

Нўқтай назар

Бугунги вазиятдан келиб чиқиб, давлатлар билан бўладиган савдо алоқаримизни хоҳлаган валютада амалга ошириш учун тегишли имкониятлар яратилган. Ҳеч қандай тўсиқ ёки тўхтаб қолиш деган гап йўқ.

Камолитдин РАБИМОВ, сиёсатшунос:



– АҚШ долларининг дунё иқтисодиётидаги умумий улуши, ҳақиқатан ҳам, қисқариб боряпти. Лекин вазият мураккаб ва бу ҳолатни соддалаштириш керак эмас. Биринчидан, долларнинг глобал қиймати АҚШ иқтисодиёти билан боғлиқ, АҚШнинг иқтисодий салоҳияти пасайиб бораётгани йўқ.

Иккинчидан, АҚШнинг ҳарбий ва глобал салоҳияти ҳам барқарор инқирозли ҳолатда эмас. Украина уруши сабаб АҚШ доллар ва SWIFT каби бошқа институтларни инструмент сифатида Россияга қарши ишлади. Натижада дунёдаги йирик иқтисодлардан бири бўлмиш Россия доллардан воз кечиш ғоясини илгари сурди. Глобал геосийсий вазият имкон бериб, бу ғоя Хитой Халқ Республикаси, Европа Иттифоқининг Франция каби баъзи давлатлари, Бразилия, баъзи Араб давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди. Собиқ СССР қулагач, дунёнинг ягона полициячиси ролини ўйнаган АҚШ кўп давлатларни хўрқитиб қўйди. Айна пайтда, дунёда кўп кутбилик шаклланимоқда.

Дунё валюта бозоридаги доллар улушининг қисқариб бориши узоқ муддатли жараён. Доллар ҳалқаро валюта сифатида ҳали кўп ўн йилликлар қолаверади. Сабаби, дунё ҳамжамияти учун ишончли ва барқарор валюта керак. Евро, швейцария крони, иена ва юань каби валюталар ҳали долларнинг ўрнини боса оладиган даражага етгани йўқ.

Дунё давлатлари ўзаро олди-берди шартномаларида, қарзларни ҳисоблашда долларни асосий валюта сифатида кўрсатишади. Айнаан шу шартномаларда долларнинг қиймати олтин ва бошқа валюталарда ҳам тарозига солинган бўлади. Шунинг учун, мабодо, доллар ўзининг глобал савдоиятини тезда ва кутилмаган шаклда йўқотганида ҳам, бу ўша қарзларнинг қийматига катта таъсир қилмайди. Қолаверса, ҳали бу яқин ўн йилликларда долларнинг глобал истеъмолдан чиқишини кўтиш ўринсиз. Табиий, АҚШнинг рақиби, душмани бўлган давлатлар доллардан воз кечиш сиёсатини қучайтиришади. Бирок долларнинг реал ва жозибали муқобили йўқ экан, у маълум миқдорда заифлашиши мумкин, аммо истеъмолдан чиқмайди.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ тайёрлади.

Шеър – шоирнинг замонига, воқеликка фаол муносабати, самимияти боис ардоқланади, эъзозланади. Самимиятнинг даражаси унинг бадиийлик билан омухталанишига боғлиқ. Бунинг учун ижодкорда Худо берган иқтидор бўлиши лозим. Шоир, олим ва таржимон Тилак Жўра шеърятига баҳо берганда ана шу мезонлардан келиб чиқиб, фикр юритиш керак.

Тилакни болалигидан яхши билардим. Қорақўлнинг Куйи Жанапар қишлоғида у туғилган йилларда бор-йўғи 35-40 оила яшарди. Томлари бир-бирига туташ оилаларнинг ҳар бирида беш-олти фарзанд, оила бошлиқлари эса эрта тонгдан кечгача пахтазор деб аталмиш майдонда – қўлида кетмон, ўроқ, туғунчасида битта қотган нон, бир сиқим майиз. Тилакнинг оиласида – отаси Рўзи бобо, онаси Ашур момо ва опалари яшарди. Тилаквой тўрт қиздан кейин туғилган ўғил бўлгани боис жуда шўх, ўйинқароқ ўсган. Рўзи бобо одми одам эди. Сўхбати ширин, ҳазилкаш, кўнглида кири йўқ инсон. Бобо кенг бедапоя, беданаларнинг сайрашини хуш кўрарди. Тилакка отасининг ушбу фазилатлари сингиб, шеърларида бедазорни, беданани кўп тасвирлаган бўлса, ажаб эмас. ...1960-йилларнинг бошлари эди. Мен Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультети журналистика бўлимида ўқирдим. Ёзи таътил пайтида, албатта, қишлоққа келардим. Эсимда, поезддан тушган куним эди. Тушдан кейин бир бола сўроқланаётганини айтишди. Ҳовлига чиқсам, бўйларини чўзилган, бўйни гавдасига нисбатан узунроқ, қўлида аллақандай китобча ушлаган Тилак турарди. Салом-алиқдан сўнг муддаога ўтиб, «Беҳбуд ака, менга университетда ўқиган дарсликларингизни, ёзган конспектларингизни беринг, шеърятга қизиқаман», деди.

– Нечани синфини битирдинг, шеърлар ҳам ёзасанми? – сўрадим ундан.

– Бешинчи, шеър ёзмайман, шунчаки тўқийман, ўзи келаверида. Ахир, шоир ёзувчи эмас-ку, ёзаверса. Шоир шеър тўқийди-да, – деди у даб-дурдудан.

– Йўқ, Тилаквой, шеър, аввало, ёзилади, қайта-қайта ёзилади, тузатилади. Оғзаки тўқийман билан шеър пайдо бўлавермайди, унинг захматлари кўп. Шеърятга қизиқганинг жуда яхши! Шеъринг

китоблар ўқийсанми? Қайси шоирларнинг китобларини ўқидинг? – сўрадим ундан.

– Дарсликлардаги ҳамма шеърларни ёддан биламан. Мана, кеча Қорақўлдан Миртемир деган шоирнинг мана бу китобчасини сотиб олдим. Жуда зўр ёзар экан. Нега бизларнинг дарсликка киритилмаган? – деди ажабланиб Тилак ва қўлидаги китобчани менга узатди.

– Миртемир домла файласуф шоир. Жуда кўп китоблари чиққан. Лекин шеърятга чин дилдан ошно бўлиш учун классик шоирлар, ёзувчилар асарларини ҳам ўқиш керак. Навоий, Фузулий, Рудакий, Бедил, Бобур каби шеърят даҳоларининг китобларини кўп билан мутулаа қилиш керак. Гафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Чўлпон шеърятдан ҳам хабардор бўлмоқ албатта зарур, – дедим унга.

Тилак Жўра шоирлик ҳақиқий қисмат эканини ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга киргач, чуқур тушуна бошлади. Дўстларимиз Абдулла Шер, Эргаш Муҳаммад, Муҳаммадали Қўшмоқов, Отаёр, Рауф Парфи, Абдужалил Халиловлар билан даврадош бўлган кезлари, янги ёзган шеърларини ўқиб, улардан маслаҳатлар олар, ўз устида тинмай ишларди. Аста-секинлик билан унинг Ватан, инсон туйғулари, ҳаёт ҳақидаги шеърлари тимсолларга, янги-янги ўхшатиш ва метафораларга бойиб борди.

Тилак Жўра 1977 йилда биринчи китоби «Райҳон»ни шеърят ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилди. У тақдирнинг чехрасидаги истеҳзоли табассумни пайқайдиган шоир эди.

Мен не-не бахтли болалар каби Бешикда тебраниб, кўзумчоқ санаганим йўқ. Мен туғилганда бешиксиз уста Урушдан қайтганди, кўлини қолдириб... деб ёзганди бир шеърда.

Оҳанглар оғушида ўтган умр



қанча маърифатли ва маънавиятли бўлмасин, унда болаларга хос қандайдир тоза жиҳатлар бор эди. Муҳими, бадиий тасвир устаси эди.

Тилак Жўра ижоди тўғрисида унинг устози – забардаст олим, файласуф шоир Ҳайбулла ас-Салом шундай деб ёзиб қолдирган: «Қиёфада кўёш акс этганини кўрганмисиз? Шоир Тилак Жўра шеърларида халқ қиёфаси акс этарди».

1994 йилнинг апрель ойи. Тилак Жўра Қорақўл туман касалхонасидан соғайиб чиққан кунини она қишлоғида ўзига мучал тўйи қилиб берди. У роппа – роса тўрт мучал умр кўрди. Дўст-ёрлар тўпланишида, кураш мусобақалари бўлди. Вилоят шоирлари, радио-телевидение ходимлари келишди. Шоир ўзи барпо элган боғ рўпарасида шеър ўқиётди, ҳаяжонданми, кўпчиликнинг салобати босдим, ёд ўқиётган шеърини унутиб қўйди. Сал кавовланиб турди-ю, қўл силтаб:

– Қолганини нарқеда ўқиймиз, – дея осмонни кўрсатди. Орадан олти кун ўтиб, оламдан кўз юмди. Шоирнинг ўша шеърини тингланг:

Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман: Юрагимни қўла олмоқни, Ойдин кечалардан минг бора равшан, Нурли бир иморат солмоқни. Ток нартидай сенга тирмашиб, Қучмоқни соғиниб ўларман. Мўридаги тугундек шошиб, Тўзмоқни соғиниб ўларман. Соғиниб ўларман, соғиниб... бироқ – Ўлим мендан жуда ҳам йироқ.

Ҳа, шоир ўлмайди, унинг умри шеърда давом этади, унинг умри «Оҳанглар оғушида қолади» ва бизни ток нартидай Ватан танасига чирмашиб яшашига, «Олам остонаси – Ўзбекистонни» бутун гўзаллиги билан севмишга даъват этади.

Зеро, Тилак Жўра ёзгандек:

Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим, Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим, Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим, Шу кўёш шуғласида келажак менинг умрим.

Ҳа, Тилак Жўра биз билан доимо бирга.

Беҳбуд ЖУМАЕВ, журналист

Мутулаа ва таассурот

Тарихни ўрганиш бизни таназзулдан асрайди

Менимча, китобга меҳрнинг илк учқунлари одам уни қўлга олгани ҳамона пайдо бўлади. Кейин саҳифадан саҳифага ўтгани, асар қаҳрамонлари тақдири, қувонч-изтиробларига ошно бўлгани сайин унинг ҳис-ҳаяжони, иштиёқи ва кўркўв-ҳадиги ҳам ортиб бораверади. Шунданми, мен ҳар сафар ўзим танлаган бирор янги асарни ўқий бошлашим биланоқ хаёлимда «Воқеалар ривожини қандай кечаркан?», «Охири нима билан тугаркан?», «Мутулаа жараёнида олган сабоқларим шу пайтгача йўл қўйган хато-камчиликларимдан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишимда асқатармикан?» деган саволлар чарх ураверади.

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг «Маъсума» номи тарихий романини ўқиш жараёнида ҳам шундай ҳолатни бошимдан кечирдим. Бир неча кун асар қаҳрамонлари билан ёнма-ён юргандек, бахтли ва қайғули дамларни бирга ўтказгандек бўлдим. Улар йиғланларида мен ҳам йиғладим, кулганларида кулдим.

Асарда Оқподшо ҳукмронлиги даври, маърифатпарвар зиёлиларимиз, яъни жадидаларимиз саъй-ҳаракатлари ҳамда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеалар ҳақида сўз юритилади, зиёлиларнинг сургун ёки қатл қилиниши баён этилади. Роман дебчасидан охирига қадар табият ва қишлоқ манзаралари, одамлар феъл-атвори маҳорат билан ёритилади.

Асар бош қаҳрамони – 16 ёшли қизни ота-онаси вафот этгач, қўшниси асраб олади. Унинг асл оти Саъдия бўлиб, удумага кўра, Маъсума исмини танлайди. Бошида ҳаёти яхши кечади. Орадан кўп ўтмай, қўқонлик Абдувоҳид қорининг ўғли Боситхон Маъсумани ёқтириб қолиб, унга уйланади. Ёзувчи бу йигит образини ҳақиқий эркак, садоқатли ёр ва меҳрибон фарзанд сифатида тасвирлаган.

Романда уч авлод вакиллари тилга олинади. Улар Абдувоҳидқори ва фарзандлари атрофида жамланади. Биринчи авлод сирасига кирувчи Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Тавалло, Зиё афандилар Абдувоҳидқорининг, иккинчи авлодга мансуб Ҳамзахон, Фитрат, Жулқунбой, Чўлпон, Сўфизодлар Боситхоннинг, учинчи авлод вакиллари саналмиш Боту, Миртемир, Ойбек, Уйғун, Ҳамид каби миллатимизнинг фидойи фарзандлари Боситхоннинг атрофида йиғилади. Улар юртимизни куликдан озод қилиш мақсадида одамларни билимли қилишга интилишади. Маъсума образи эса, менинг назаримда, урушга кетган фарзандларини интизорлик билан кутаётган она, ҳар қанча меҳнат қилса-да, қадр-қиммат топмаган ўзбек аёлларининг ёрқин тимсолидир.

Мутулаа асноси бир ҳолатдан, аниқроғи, Абдувоҳидқорининг ўғли Боситхонга айтган сўзларидан ниҳоятда таъсирландим. У ёшларга бу омонат дунёга ҳирс қўймаганини, одамзод умри бир тутам эканлигини эслатади. Шунингдек, диний билимга кўпроқ эътибор бергани, яъни дунё ва охираят посангисини тенг тутгани ҳақида



куйиниб гапирарди.

Уша кезлар юртимиз босиб олинган бир мустамакка мамлакат эди. Зиёлилар уни бу ботқоқлик гирдобидан чиқариш учун ҳар хил чоралар кўришди. Жумладан, одамларни қўлиқдан билгим кўтқаради деган умидда янги усулдаги мактаблар, замонавий театрлар ва турли уюшма-ташкилотлар очдилар, янги газета-журналлар чиқара бошладилар. Аммо халқни маърифатли қилиш йўлида тинимсиз жон куйдирадиган кишилар ҳали кам эди. Устига-устак, аввалига чоризм, кейин шўролар ҳукумати бунга йўл қўймадики ниятида

миллат гулларини битта-битта юла бошлади. Уларнинг айримлари отилди, баъзилари сургун қилинди. Қолганларини дунё миқёсида авж олган уруш ўз домига тортди кетди. Аёвсиз қирғинбаротлар қўрбонлари орасида Маъсуманин ўғиллари Ботирхон ва Шавкатжон ҳам бор эди.

Асарда ҳикоя қилинишича, мустабид тузум даврида ҳам, ундан олдин ҳам кўп жойларда хотин-қизларнинг илм олиши чекланган. Диндорлар уларнинг асосий вазибалари эрлари хизматида бўлишдан, болаларини тарбиялаб катта қилишдан, таом тайёрлашдан ва бошқа уй-

рўзгор юмушларини бажаришдан иборат деб билишган.

Ана шундай қарашларнинг оқибати ўлқароқ, Маъсуманинг билими ҳам ҳаминқадар эди. У оила эъзолари ҳақми ёки ҳукумат – аниқ билмасди. Буни Боситхон савол берганида ноқулай аҳволга тушиб қолганидан ҳам илғаш мумкин. Маъсуманинг фикрича, оиласида хотиржамлик бўлса, қора нон еса-да, тинчгина яшаса, шунинг ўзи етарли. Аммо Ватан тинчлиги-чи, у ҳақда ким қайғуради? Юрт нотинч бўлса, унинг аҳолиси фаровон турмуш кечира оладими? Яқинда ўз манфаатини ўйлайдиган илмсиз худбин кимсалар кўплиги туфайли бир замонлар юртимиз ўзга давлатга қарам бўлиб қолмади?

Мени бундай саволлар кўп ўйлантирди. Аммо, энг муҳими, романини ўқиб, қаттиқ таъсирландим ва жуда кўп тарихий маълумотларга эга бўлдим. Ҳаётда учрайдиган кўплаб муаммолар, илмсизлик ва кўрқоқлик тинчлиги озодликнинг кушандаси эканлигини ҳис қилиш учун тарихий мавзуда битилган асарларни кўпроқ ўқиш кераклигини тушундим. Чунки улар бизни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга теран нигоҳ билан боқишга, муқаддам йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка ўргатади.

Мен Исажон Султоннинг «Маъсума» романини мутулаа қилиш чоғи олган таассуротларимни қисқача баён этдим. Келинг, яхшиши, сиз ҳам шу китобни ўқинг ва у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни бошқалар билан ўртоқлашинг.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА, ЎзЖОКУ талабаси

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OVIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENIAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-91) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir A. Haydarov

Musahhihlar: O. Bozorova, D. Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 19:00 Topshirildi – 19:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «poteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma G-513 Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31183

14510 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.